



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган

• 1999 йил 4 август, чоршанба

• № 62 (11.145)

• Эркин нарҳда сотилади

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

«Ўзбекистон Қаҳрамони» унвонини бериш тўғрисида

Давлат ва халқ олдидаги гоят катта хизматлари, мамлакатимизнинг иқтисодий қудратини юксалтириш, кишлоқ ҳўжалиги соҳасида ислохотларни чуқурлаштиришдаги улкан ишлари ҳамда республикамизда галла мустақиллигини таъминлашда фаол иштироки ва қаҳрамонона меҳнатлари учун қуйидагиларга «ЎЗ-БЕКИСТОН ҚАҲРАМОНИ» унвони берилиб, олий нишон «ОЛТИН ЮЛДУЗ» медали топширилсин:

АБДУЛЛАЕВ Дўстмурод — Пахтачи тумани Р. Махманов номли ширкат ҳўжалиги бригада бошлиғи, Самарқанд вилояти

АБДУРАХИМОВ Абдували — Чортоқ тумани «Ўзбекистон мустақиллигининг 5 йиллиги» номли ширкат ҳўжалиги бригада бошлиғи, Наманган вилояти

АЛАМАТОВ Атахон — Марҳамат тумани У. Қорабоев номли жамоа ҳўжалиги бригада бошлиғи, Андижон вилояти

РАХМОНОВ Ғайбулло — Қасби тумани Ш. Рашидов номли ширкат ҳўжалиги ижарачиси, Қашқадарё вилояти

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1999 йил 3 август.



**АБДУЛЛАЕВ
Дўстмурод**



**АБДУРАХИМОВ
Абдували**



**АЛАМАТОВ
Атахон**



**РАХМОНОВ
Ғайбулло**

МУКОФОТ МУБОРАК!

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 1999 йил 3 августдаги «РЕСПУБЛИКАМИЗДА ГАЛЛА ЕТИШТИРИШДА АЛОҲИДА ЎРНАК КўРСАТГАН ИШЧИ ВА ХИЗМАТЧИЛАРДАН БИР ГУРУҲНИ МУКОФОТЛАШ Тўғрисида»-ги Фармони га биноан мамлакатимизнинг иқтисодий қудратини юксалтириш, галла мустақиллигини таъминлаш ва республикамиз кишлоқ ҳўжалиги соҳасида кўп йиллик ҳалол хизматлари ҳамда жамоат ишларида фаол иштироки учун бир гуруҳ ишчи-хизматчилар Ватанимизнинг олий мукофотлари — ордон, медаллар ва фахрий унвонлар билан тақдирландилар. Уларнинг орасида ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИдан қуйидагилар бор:

«МЕҲНАТ ШУҲРАТИ» ОРДЕНИ БИЛАН

АЗИМОВ Авазхон — Оҳангарон тумани «Авазхон» фермер ҳўжалиги раиси, Тошкент вилояти

МАШАХОПОВ Абдумажид Ғайнбергенович — Юқоричирчиқ тумани «Туркистон» деҳқон-фермер ҳўжаликлари уюшмаси бошқаруви раиси, Тошкент вилояти

Тўйчиев Худойберди — Куйичирчиқ тумани «Ўзбекистон 5 йиллиги» тажриба ҳўжалиги бўлим бошлиғи, Тошкент вилояти


«ДўСТЛИК» ОРДЕНИ БИЛАН

УБАЙДУЛЛАЕВА Айпашша Назировна — Уртачирчиқ тумани «Роватак» деҳқон-фермер ҳўжаликлари уюшмасининг бригада бошлиғи, Тошкент вилояти

«ШУҲРАТ» МЕДАЛИ БИЛАН

АРЗИЕВА Сафия Турсунқулловна — Бекобод тумани Ойбек номли жамоа ҳўжалиги пудратчиси, Тошкент вилояти

(Давоми 2-бетда).



МУСТАҚИЛЛИК: САККИЗИНЧИ ДОВОН

ИСТИҚЛОЛ: ВАТАН, ИЙМОН, ЭЪТИҚОД

Мустақиллик майдони. Ҳар куни неча бор шуқроналик билан тилга оламиз бу сўзни. Унинг тўрида турган ёдгорлик — истиқлолнинг бебаҳо рамзини кўрган кишининг қалбида муҳаббат уйғонади. Майдондан ўтаётган юртдошларимиз унга бир зумгина маҳлиб бўлиб боқади.

Ўтаётган ҳар лаҳза бизни истиқлолнинг саккизи йиллиги татаналарига тобора яқинлаштирмоқда. Биз ҳам табарруқ майдонда учрашган ватандошларимиз билан мустақиллик, масъулият, Ватан туйғуси, келажак ҳақида чимдим сўхбатлар қурдик.

Юсуф МУРОДОВ,
Ғазалқот шаҳрида
яшовчи меҳнат
фахрийси:

— Она-Ватанимизни овоз, овод кўриш — ота-боларимизнинг асрий орзуси, армони бўлган. Ҳаётимизга янги мазмун, янги-ча файз бахш этган юртимиз истиқлолнинг саккизи йиллигини нишонлаш арасида турганимизнинг ўзи — буюк бахт.

Истиқлолга эришиш осон, уни сақлаш эса қийин кечади. Бунинг учун ҳар бир фидойи инсон бор кучини, иқтидорини, ҳаракатларини сарфлаши керак. Халқимизда тиз чўкиб яшагандан тик туриб ўлган афзал, деган нақл бор. Тўғри, истиқлолимиз йўлига гов бўлаётганлар, бизнинг шу ёруғ кунларимизни кўролмайдиганлар ҳам бор. Аммо биз асло орқага қайтмаймиз.

Мен ҳар сафар ёшлар билан учрашганимда уларга бошимдан ўтган бор кўргуликларимни очик-ойдин сўзлаб бераман. Чунки биз кўрган кунларни ёшларимиз ҳеч қачон кўрмасин, дейман. Улар ҳадемай буюк давлат эгаси бўладилар. Буюк давлат эса ҳеч қачон биров бировдан кам бўлмайди, меҳнат қилган киши ҳаммаша кадр топади, иншооллох!

Эркин ТўРАЕВ, маҳалла оқсоқоли:

— Бўш қолдик дегунча севган гўшамиз Амир Темур хиёбони, Мустақиллик майдони, Миллий боғимизни сайр қиламиз. Мустақиллик — Оллоҳнинг инояти бўлди. Унга қон тўкмай эришдик. Лекин уни мустақамлаш, асраб-авайлаш ҳам керак. Бундан саккизи йил олдинги тафаккур билан бугунги тушунчани солиштириб кўринг. Мутлақо бошқача! Ҳатто эндигина мактабга бораётган фарзандларимиз ҳам: «Энди ҳеч қим бизни кул қилолмайди-а?» деган саволни беришади. Шунда кўнглим тоғдек кўтарилади. Демак, мустақиллигимизнинг илдизлари мустақам.

Алишер УМАРОВ,
АҚШнинг Флорида
университети талабаси:

— «Умид» жамғармаси хомийлигида океан ортида ўқияпман. Ниятим — эсон-омон тугатиб келсам, менга мана шундай имкониятларни яратиб берган истиқлол учун, юртим тўқиллиги учун бор билимимни, куч-гайратимни аямайман.

Жамшид Йўлдошев,
хизматчи:

— Авваллари шу майдон қандай аталганини аслайсизми? Шу кунларга етиб келдик. Бундан ортқ нима керак яна?

Темур УБАЙДУЛЛАЕВ
ёзиб олди.



БАРЧА ўқув даргоҳларидаги каби Тошкент вилоят Давлат педагогика институтида ҳам тест синовлари бўлиб ўтди. Бу масъулиятли босқичга тайёргарлик жараёнида мазкур ўқув даргоҳида абитуриентлар учун барча қулайликлар яратиб берилди. Бу йил режа бўйича давлат гранти асосида 444, контракт шартномага мувофиқ 444, ҳаммаси бў-

либ, 888 нафар талаба қабул қилинади. Аммо институтга ҳар йилгидан ҳам кўп — 3186га ҳўжат топширилди. Хусусан, бошланғич таълим услуби факультети бўйича бир ўринга 21та, тарихга 20та, ўзбек тили ва адабиётига 14тадан абитуриент тўри келди.

Шуниси эътиборга лойиқки, мазкур ўқув даргоҳида фаолият кўрсатган қабул комиссияси аъзолари ҳар бир ҳўжат топширувчиға одил муносабатда бўлдилар.

Суратларда: (юқорида) институт адабиёт кафедраси мудири Исоқжон Носиров бўлғуси талабаларни қизқитириган саволларға жавоб бермоқда; (Ахборот маркази директори Жуманали Эркабоев (пастдаги суратда чапда) ва масъул котиб Убайдулла Абдиевлар ҳар қандай маълумотларни ҳозиржавоблик билан тайёрлаб, қабул жараёнининг тартибли боришини таъминладилар.

Даврон АҲМАД олган суратлар.

Солижон ШАРИПОВ: «ЎЗБЕКИСТОНДАГИ БУЮК ЎЗГАРИШЛАРДАН КўНГЛИМ ТОҒДАЙ КўТАРИЛАДИ»



йигити ҳам бор. Бу — юксак шараф. Бу — нафақат Ўзбекистон, балки бутун туронзамин учун катта фахр. Шарқ уйғониш даврининг буюк мутафаккири Абу Райҳон Беруний коинот ҳақидаги дастлабки илмий фаразларға асос солган эди. Кейинчалик Мирзо Улуғбек томонидан юлдузлар илми яратилди. Ўзбекистон истиқлолга эришган асрда эса ўзбек фазогир кўкка парвоз қилди.

1998 йилнинг 22 январида Американинг «Шатл-Эндивер» фазовий кемасида олти нафар америкалик астронавт билан бирға самоға парвоз қилган Солижон Шарипов ўзбек деган миллатни яна бир қарра жаҳонга танитди. У коинотта Ўзбекистон байроғини ҳам олиб чиқди. Муваффақиятли парвоздан сўнғ, Президентимиз Ислам Каримов космонавтга табрик мактуби йўллади. «Сизнинг само бағриға қилган парвозингиз миллатимиз гурриға-гурур, фаҳриға-фахр қўшиди. Ўзбек номини бутун жаҳонға яна бир бор тараннум этиб, улуглади», деган сатрлар бор эди мактубда. Бу — фазогир ийгилингиз меҳнатига берилган улкан баҳо эди.

Шу тўғрисида деярли ҳар йили ёзда Паркент туманидаги «Невиш» кишлоғида жойлашган ёш космонавтар халқаро мактабидаги машғулотларда қатнашиш менға катта завқ ба-

Мамлакатимиз Президенти Ислам Каримовнинг кун кеча матбуотда эълон қилинган фармониға биноан космонавт Солижон Шарипов «Буюк хизматлари учун» ордени билан тақдирланди. ЎЗА муҳбири Тошкентда меҳмон бўлиб турган космонавтардан қуйидаги интервьюни олди:

— Аввало, Ўзбекистондек буюк мамлакатнинг, Ватанимизнинг юксак нишонига — «Буюк хизматлари учун» ордениға муносиб кўргани учун Президентимиз Ислам Каримовдан, халқимиздан беҳад миннатдор эканлигини таъкидламоқчиман. Бу — мен учун улкан бахт ҳар қал Ўзбекистонға келганимда кўнглим тоғдай кўтарилади. Тошкентдаги беҳис ўзгарышларни, устозларимни, ёр-дўстларимни кўриб, бир ўзбек фарзанди сифатида жуदा қувонаман. Менинг ҳам шу юртта, Ўзбекистонда бўлаётган ажойиб ўзгарышларға ҳиссам қўлишса, дейман.

Шу тўғрисида деярли ҳар йили ёзда Паркент туманидаги «Невиш» кишлоғида жойлашган ёш космонавтар халқаро мактабидаги машғулотларда қатнашиш менға катта завқ ба-

ғишлайди. Мактабда бола-лар билан бўладиган мулоқотлар, машғулотлар жуда қизиқари ўтади. Уларнинг илғаи, ўрганишға чанқоқлигини, зийраклигини кўриб бошим осмонға етади.

Биласизми, бундай мактаблар нафақат Урта Осиёда, балки бутун дунёда кам учрайдиғанди. Бу Республикадан Президент Ислам Каримов раҳбарлиғида оқилона, узоқни кўлаб олиб бориладиган сиваснинг амалий натижасидир. Энг муҳими, юртимиз тинч, оқойишта. Тинчлик, оқойишталик бор жойда эса ҳар қандай эзгу ниётға эришиш мумкин.

Яқинда халқимиз мамлакатимизнинг мустақиллиқ эришганлигининг 8 йиллигини нишонлайди. Бу — тўйларимизнинг, байрамларимизнинг эрт бўлиши. Мен барча юртдошларимни ана шу улуг байрам билан қутлайман.

Ғайрат САЙДУЛЛАЕВ
ёзиб олди.
(ЎЗА).

Вилоят фаоллари йиғилиши

ЯКУН, ТАҲЛИЛ, САБОҚ

Шу йил 2 август кун Тошкент вилояти фаолларининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Тошкент вилоятида 1999 йилнинг биринчи ярим йиллиғидаги иқтисодий, ижтимоий ривожланиш яқунлари ва ислохотларнинг бориши, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 27 июль кун республика Вазири Маҳкамасининг йиғилишида сўзлаган нутқидан келиб чиқадиغان устувор вазифалар тўғрисидаги масала муҳокама этилди.

лари 34,6 миллиард сўмликни ташкил этди. Бу 1998 йилнинг шу давриға нисбатан 2,8 фоиз кўпдир. Давлатға 238,8 минг тонна дон топширилиб, шартнома режаси муваффақиятли бажарилди. Умуман, ҳозирғача вилоят далаларидан йиғиштириб олинган галла ҳосили 300 минг тоннадан ошиб кетди.

Кишлоқ ҳўжалигини ислох қилишда муҳим муносабатларнинг ўзгарыши, оила пудрати, хусусий мулкчилик шакллари, мулкий пайларнинг жорий этилиши, тадбиркорликни ривожлантириш устувор йўналиш

бўлиб қолмоқда. Ўтган даврда вилоятда 31та ўрниға 34та жамоа ҳўжаликлари ширкат ҳўжаликлариға айлантирилди. Ҳозирги кунда мавжуд 113,2 минг гектар пахта майдонларининг 88,3 фоизи, 117,8 минг гектар галлазорларининг 93,1 фоизиди оила пудрати усулида иш юритилмоқда. Қурилишлар қўламини кенгайтириш, тармоқда ислохотларни чуқурлаштириш, инвестиция лойиҳаларини жорий этиш борасида ҳам ўзгарышлар юз бермоқда. Умуман, январь-июнь ойларида вилоятда барча молиявий манбалар ҳисоби-

дан 12,7 миллиард сўмлик капитал сармоялар ўзлаштирилиб, 3,2 фоиз устиға эришилди. Сарфланган маблағларнинг 56,4 фоизини нодавлат тизим маблағлари ташкил этди. Вилоятда дастурға мувофиқ биринчи навбатда қурилиш зарур бўлган ижтимоий объектлар, иктисослашган лицей ва коллежлар, уй-жой, табиий газ ва ичимлик сув тармоқларини ишға тушириш алоҳида эътиборға олинди. Ҳозирғача лицей ва коллежлари барпо этишда 830 миллион сўмдан ортқ капитал сармоя ўзлаштирилди. 149,6 минг квадрат

метр уй-жойлар, 97,3 километр табиий газ, 20 километр ичимлик сув тармоқлари фойдаланишға топширилди. Бозор иқтисодиётини шакллантириш, мулкчи давлат тасарруфидан чиқариш, қимматли қўғоғалар бозорини ривожлантириш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, янги иш жойлари очилиш, кичик ва ўрта бизнесни кенгайтириш борасида ҳам ўзгарышлар юз берди. Ҳозир ҳисоб-китоб ва тўловларни тартибға солиш, молиявий аҳолини барқарорлаштириш, эмиссияға барҳам бериш, хизмат

кўрсатиш ва истеъмол бозорини ривожлантириш, соғлиқни сақлаш, халқ таълими тизимидаги ислохотларни чуқурлаштириш борасида ҳам маълум ишлар қилинди.

Лекин фаоллар йиғилишида таъкидланганидек, Тошкент вилоятини иқтисодий-иқтисодий ривожлантириш, ислохотларни чуқурлаштириш борасида олиб бориладиган ишлар, хусусан, йилнинг олти ойлик яқунлари бугунги кун талабига жавоб бермайди. Шунинг учун ҳам йиғилишда асосий эътибор йўл қўйилган қимматликларни барқарор этиш, муаммоларнинг ечимини топиш ҳамда бой бериладиган инкониятларни ишға солиш зарурлиғиға қаратилди. Хусусан, вилоятда саннат, кишлоқ ҳўжалиги мақсулотлари ишлаб чиқаришда йилнинг бошиға нисбатан пасайишға йўл қўйилди. Аҳоли қўлидаги қорва моллари бош сонч ўсган бўлса-да, жамоа ҳўжаликларида чорвачилик ҳамон уткир муаммо бўлиб туряпти. Санация қилинган 13та ҳўжаликнинг аксарияти

(Давоми 2-бетда).

МУКОФОТ МУБОРАК!

(Давоми. Боши 1-бетда).

- АХМЕТОВ Абдихайим Есенбекович** — Бўстонлик тумани «Енбек» жамоа ҳўжалиги механизатори, Тошкент вилояти
- БОБОБЕКОВ Мусакул Абдусатторович** — Бўка тумани «Ачамайли» жамоа ҳўжалиги механизатори, Тошкент вилояти
- ИСМОИЛОВ Юлчибой Тўйчибекович** — Янгийўл тумани Н. Ниёзов номи жамоа ҳўжалиги бош ҳосилоти, Тошкент вилояти
- ЙЎЛДОШЕВ Равшанбек Жўраевич** — Зангиота тумани

- «Ўзбекистон» ширкат ҳўжалиги бошқаруви раиси, Тошкент вилояти
 - РИЗАЕВА Муҳаббат** — Пскент тумани А. Дусбеков номи ташки бошқарув ҳўжалиги бригада, бошлиги, Тошкент вилояти
 - САИДОВ Баҳром Курбонбоевич** — Чиноз тумани машина-трактор парк давлат акционерлик жамияти комбайнчиси, Тошкент вилояти
 - ЭРГАШЕВ Абдуқаҳҳор Амонович** — Паркент тумани «Заркент» жамоа ҳўжалиги механизатори, Тошкент вилояти
- ### «ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КўРСАТГАН ҚИШЛОҚ ҲўЖАЛИГИ ХОДИМИ»
- ҲАКИМЖОНОВ Раҳимжон** — Окқўрғон тумани Охунбоев номи деҳқон-фермер ҳўжаликлар уюшмасининг раиси, Тошкент вилояти.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи Ишлар Вазирлигининг БАЁНОТИ

Афғонистонда қуролли қарама-қаршилик яна авж олгани Ўзбекистонда чўқур тавиш уйғотмоқда. Ҳарбий ҳаракатлар натижасида мамлакатнинг тинч аҳолиси жабр кўрмоқда. Афғонистонга етказиб берилган инсонпарварлик ёрдами тўхтатиб қўйилди. Афғонистон зиддиятида бошқа мамлакатлардан ёланиб келган кучлар иштирокининг кенгайishi тўбора хавфли тус олмақда. Афғонистонда кенг ми-

қўсели ҳарбий ҳаракатларнинг қайтадан бошланиши халқро ҳамжамиятнинг Афғонистон муаммосини ҳал этиш бўйича қилаётган саъй-ҳаракатларига жиддий путур етказмоқда ҳамда бу ақинда «6+2» гуруҳига кирувчи «Афғонистоннинг қўшни ва дўстлари» томонидан қабул қилинган Тошкент Декларациясининг асосий тамойилларига зиддир. Афғонистон муаммосини ҳарбий-куч ишлатиш йўли билан ечиш мумкин эмасли-

ги ҳамда бу муаммони фақатгина сиёсий воситалар орқалигина ҳал этиш зарурлигини ҳисобга олган Ўзбекистон ҳўкумати Афғонистондаги томонларни ҳарбий ҳаракатларга чек қўйиш ва ўт очишни тўхтатиш ҳақида битим тузиш ҳамда БМТ шафелигида тинчлик музокараларини қайта тиклашга даъват этади. Шунингдек, Ўзбекистон ҳўкумати Тошкент Декларациясини имзолаган «6+2» гуруҳига аъзо мамлакатларга

Тошкент шаҳри, 1999 йил 3 август.

ЯКУН, ТАҲЛИЛ, САБОҚ

(Давоми. Боши 1-бетда).

тидаги аҳвол ҳам қонирқарли эмас. Вилотда бозор иқтисодиётини шакллантириш, қимматли қозғолар бозорини ривожлантириш, иқтисодий ислохотларни чўқурлаштириш борасида ҳам камчилик ва нуқсонлар, фойдаланилмаётган имкониятлар талайгина. Ўтган ярим йилда давлат мулкни хусусийлаштириш топшириги 83,3 фоизга бажарилди, холос. Қимматли қозғолар ва акцияларни сотиш бўйича белгиланган режа 91 фоизга қўлиб кетди. Окқўрғон, Бекобод, Бўка, Пскент, Янгийўл туманларида умуман ҳалигача акцияларни сотишга киришилмаганлиги, айниқса, ачинарлидир.

Президентимиз шу йил 27 июль куни Вазирлар Маҳкамасида бўлиб ўтган йилгилида таъкидлаганларидек, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш, мулкдорлар синфини шакллантириш, қишлоқда ҳам, шаҳарда ҳам иқтисодий ислохотларнинг муваффақиятига асосий таъяс ва гаровдир. Афсуски, вилотда ўтган ярим йил давомида бу соҳада эришилган натижалар ҳам қонирқарли эмас. Тўғри, кичик ва ўрта тадбиркор-

лик тузилмалари умуман ошган бўлса-да, уларнинг вилотдаги ишлаб чиқаришдаги улуши бор-йўғи 3,2 фоизни ташкил этмоқда. Ваҳоланки, бу тузилмаларда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар улушини 25 фоизга етказиш устувор вазифа бўлиб турипти. Бу шуни кўрсатмоқдаки, вилотда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш, тадбиркорликка кенг йўл очиш, уларнинг фаолиятларини кенгайтириш учун кўпроқ имтиёзли кредитлар ажратиш, имкониятлар яратиш зарур.

Аҳолини иш билан таъминлаш, ижтимоий ҳимоя қилиш, янги иш жойларини барпо этиш вилотда ҳаммиша энг муҳим масалалардан бири бўлиб келди. Лекин айрим шаҳар ва туман ҳўқимликлари масалани моҳиятини ҳамон тўшуниб етмайптилар. Натижада белгиланган бандлик дастурининг бажарилиши таъминланмапти. Ўтган ярим йил давомида вилот бўйича 18 минг 102 ўрнига 17 минг 633та янги иш жойлари очилганини бунга яққол исботлаб турипти. Йилгилида бу ҳақда гап борар экан, яратилаётган янги иш жойларининг номига эмас, истиқболли бўлишини таъминлашга асосий эътиборни қаратиш зарурлиги айтилди. Молиявий аҳволи барқарорлаштириш, боқимандаликка барҳам бериш, дебитор ва кредитор қарзларни қисқартириш тўғрисида биринчи марта гапирилаётгани йўқ. Лекин шунга қарамадан айрим шаҳар, туман ва қорхоналарда уларни қамайтириш юзасидан етарли иш қилинмапти. Оқибатда йил бошига нисбатан боқиманда қарзларнинг 28 миллион сўм ўсшига йўл қўйилди. Ангрен, Олмалик, Охангарон шаҳарлари, Уртачирчиқ, Қибрай, Бўка туманларида бу масала, айниқса, ўткир бўлиб турипти. Вилот ўтган ярим йилда эмиссиясиз ишлашга ўтиб, қўшимча нақд пул қайтаришга эришган бир пайтда Олмалик, Бекобод шаҳарлари, Окқўрғон, Бўка, Бекобод туманларида эмиссия даражасининг 25,8-52,8 фоизни ташкил этаётганини кескин танқид қилинди. Бунинг олдини олиш учун биринчи галда ушбу шаҳар ва туманларда истеъмол бозорини ривожлантириш, хизмат кўрсатиш савиясини ошириш, савдо ва пуллик хизмат борасидаги янгиликларни тезроқ жорий этиш лозим. Шунинг билан бир қатар, боқимандалик — жамиятимиз ривож учун энг катта илат.

«ТОШКЕНТ ҲАКИКАТИ» йўқламаси: ОЛМАЛИҚ

БИЗНИНГ ШАҲАР — КЕЛАЖАК ШАҲРИ

ХАЛҚИМИЗНИНГ «Хар қиммики ўзига, ой кўринар кўзига» деган шикматли мақоли бор. Олмалик кўзимга доим кўркам кўринади. Бу шу шаҳарда яшашимиз, уни ривожлантиришга ҳисса қўшаётганимиз, киёфаси кўз ўнгимизда гузаллашиб, тўбора очилиб бораётганига тўғайли бўлса керак. Лекин, мэн бу билан бошқа шаҳарлар ёки қишлоқларни қамситмоқчи эмасман. Ҳаммасининг ҳам ўзига яраша қиройи, ҳусни-жамоли бор.

Ҳа, шаҳримизнинг олдинги киёфасини тасаввур қилиш, ҳозиргиси билан таққослаш жуда қийин. Мис, рух, кўрғошин, олтин, кумуш, малибден ва бошқа нодир металллар қонлари негизда барпо этилган Олмалик салкам ярим аср давомида юксалиш йўлидан борди ва мамлакатимизнинг йирик рангли металлургия марказига айланди.

Айниқса, Мустақилликнинг хар бир йили шаҳримиз тарихида ўчмас из қолдирмоқда. Амалга оширилаётган катта ўзгаришлар ва қўлга киритилаётган ютуқларнинг аксарияти шу даврга тўғри келади.

Кўпгина эрта тонгда шаҳар майдонлари, боғлари, хиёбонлари кўчалари бўйлаб сайр қилишни ёқтираман. Ўз қонлари билан Кўрама тоғ тизмаларига тўташиб кетган шаҳримизнинг бу пайтдаги таровати ўзгача бўлади. Савлат тўқиб турган осмонлар тоғлар томонидан шаҳар узра осяётган майин шабада юз-кўзларингизни арқалайди, қандайдир енгил тортасиз. Шундай сайрларда шаҳримиз киёфаси тўбдан ўзгариб, яшиланиб бораётганини, кўчалар серфайди, майдон-хиёбонлар, маҳаллалар обод ва кўламзор бўлаётганини кўзга яққол ташланади. «Бозорлар, автобекатлар, савдо-маиший хизмат кўрсатувчи иншоотлар ҳам миллий меъморийлик анъаналари асосида барпо этилгани билан теварак-атрофга фойз қилириб туради.


Маҳаллаларда гузарлар пайдо бўлмоқда, уларда аҳолига турли маданий-маиший хизмат қиливчи тармоқлар ишлаб турипти. Кўзга ташланмайдиган яна бир нарса шўки, аҳоли ўз жамғармалари ҳисобига тўбора кўпроқ турар-жой кўрмоқда. Шаҳсий ўй қўшини истоган оилаларда ер участкалари арзон нарҳларда сотилмоқда. Айрим фуқаролар анча катта, қўшқаватли уйлар қуриб олияпти. Шаҳар кўчаларида юрсангиз автотранспорт қатнови анча зицлашганини ҳам гўёёки бўласиз. Бу муайян даражада шаҳсий автомашиналар қўлаётганини натижасидир. Ҳозир шаҳар аҳолиси қўлида 4,5 минг атрофида енгил автомашиналар бор. Булар олмаликликларнинг турмуш фаровонлиги ошаётганинидан далалат берувчи айрим мисоллардир.



КОРХОНАМИЗ — ФАҲРИМИЗ

Шу КўНЛАРДА комбинатимизнинг қайси ишлаб чиқариш бўлимида бўлманг гайрат — шижоатта тўла меҳнатнинг устидан чиқасиз. Қорхоналар, қонлар, транспорт ташкилотларимизда кўтаринкилик давом этмоқда. У республикамиз Президентни Ислам Каримовнинг комбинатининг 50 йиллик юбилейи муносабати билан йўлланган табриги, мустақилликимизнинг саккиз йиллигини муносабати кўтиб олиш учун бошланган ҳаракат тўғайли юзга келди.

Шаҳримизда етакчи корхонамиз ўзининг дастлабки маҳсулотини она — Ватанга армуғон этганига ярим аср бўлди. Шу давр мубайнида мамлакатимизнинг ер қаърида ястаниб ётган беҳисоб маъданлар қазиб олинди. Улардан ажратиб олинган қимматли рангли металл ҳажми миллион-миллион тонналар билан ифодаланади. Уни тўлароқ тасарруф қилишнинг учун айрим рақамларни келтирмоқчиман. Қилинган ҳисоб-китобларга кўра эллик йил давомида ишлаб чиқарилган тўзаланган мис ҳажми 4 миллион тоннадан ҳам ортиб кетди. Бундан ташқари 2,7 миллион тонна металл рух, 1,4 миллион тонна кўрғошин концентрати тайёрланди. Кимё, мавжуд қорхоналар қайта қурилмоқда, уларда қўлланаётган технология тақомил-



Шаҳар саноат қорхоналарида мамлакатимиз мустақиллигининг кўтул байрагини муносабати кўтиб олиш учун фидокорона меҳнат қилиш давом этмоқда. Уларда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар халқ ҳўжалигининг турли тармоқларига етказиб берилмоқда, айримлари жаҳон бозорида ҳам муносабати ўрин эгаллаб турипти.

РАҚАМЛАР МАЗМУНИ

- ОЛМАЛИҚ 1951 йилнинг 10 июлида шаҳар мақомини олди.
- Аҳолиси йил бошига келиб, 115 минг 400 кишини ташкил этди.
- ҲОЗИР шаҳарда ҳўжалик юритувчи субъектлар сони 674тага етди. Бу олдинги йилдагига нисбатан 112та кўпдир. Кичик қорхоналар сони эса 320та, кўша қорхоналар сони эса 10тага борди. 18та қурилиш ташкилотлари ишлаб турипти.
- ШАҲАРНИ «зангори олов» билан газлаштириш даражаси 91,7 фоизни ташкил этиб турипти. Ичимлик суви билан таъминлаш эса 98,7 фоизга тенгдир.
- АҲОЛИГА маиший хизмат кўрсатувчи шохобчалар 60 тадан ҳам ортиб кетди.
- ИККИТА маданият саройи, олти клуб, ўйингоҳ, 70га яқин спорт майдончалари, бешта чўмилиш ҳавзалари олмаликликларнинг маданий хордик чиқариш масканлари ҳисобланади.
- МАКТАБЛАР сони 22тага етди. Бундан ташқари, коллеж, 3та хўна-таълим мактаблари, техникум, билим юрти, 5та мактабдан ташқари муассасаларда меҳнат-қашлар фарзандлари таълим-тарбия олмақда.
- 42та МАКТАБГАҲА тарбия муассасаларида 5530 нафар жажжилар меҳрибонлик билан қўраб олинган.

ИСЛОҲОТ ОДИМЛАРИ

МАМЛАКАТИМИЗ тиббиётида амалга оширилаётган ислохотлар аҳоли соғлигини мустаҳкамлашга қаратилганлиги билан тақдирга сазовордир. Унда тиббиётнинг замон талаблари асосида қайта ташкил этиш, даволаш муассасалари фаолиятининг самарадорлигини ошириш назарда тутилган.

Бизнинг шаҳримизда ҳам соғлиқни сақлаш тармоқлари ишининг қўламини кенгайтириш ва сифатини яхшилашга алоҳида эътибор берилмоқда. Бу ишга қорхона — ташкилотлар ҳам яқиндан ёрдам бермоқда. Шу тўғайли мустақиллик йилларида тиббиёт хизмати кўрсатишда ижобий натижаларга эришилди.

Ҳозирги вақтда шаҳарда 16та даволаш — олдини олиш муассасалари ишлаб турипти. Уларнинг саккизтаси стационарлардир. Касалхоналардаги ўринлар сони 815тага етказилди. Бундан ташқари бир кунда 2150 нафар беморни қабул қилиш қувватига эга шифохоналар бор. Бу муассасаларда 2,5 минг нафар ортиқ тиббиёт ходимлари ишламоқда. Кейинги вақтда соҳада қўлинган салмоқли ишларнинг бири тез тиббий ёрдам кўрсатиш марказининг барпо этилаётганидир. Шаҳардаги қатор меҳнат жамоалари бунга ёрдам бериш ташаббуси билан чиқдилар. Улар мармар, линолеум, ганч, арматура, гишт ва бошқа қурилиш ашёлари етказиб беришяпти. Бундан ташқари, 100 минг сўм нақд пул тушиди. Мебел комбинати маъмурияти дурадгорлар бригадаси ажратди, 354-механизациялашган кўша жамлама ҳиссадорлик жамияти ҳам қурувчилар гуруҳини юборди.

Мустақиллик йилларида хусусий даволаш — олдини олиш муассасалари ҳам пайдо бўлди. Ҳозиргина 27 нафар шифокор шундай фаолият билан шуғулланиш учун руҳантормо олды. Уларнинг олти нафари амалий ишни бошлаб ишюрмоди.

Шаҳримизда қўзининг сил касаллиқларини даволаш бўлими очилди. Уттиз ўринли бу масканда вилотимизнинг барча шаҳарлари — туманларидан келган шундай беморлар даволаняпти. Бактериология лабораториясининг ташкил этилиши ҳам муҳим воқеа бўлди. Унда барча касалликларни келтириб чиқарувчи бактериялар ва уларнинг қайси дорига нисбатан сезувчанлиги тез аниқланади. Демак, касаллик ташхиси тўғри қўйилди ва самарали даволанади.

Мустақиллик йилларида олмаликликларга тиббий хизмат кўрсатишда амалга оширилган айрим чора-тадбирлар ҳақида тўхтадик. Уларнинг ҳаммаси халқнинг саломатлиги ҳақида қилинган катта гамхўрлик натижасидир.

Эгамберди МАННОПОВ, шаҳар ҳудудий тиббий бирлашмаси бош шифокори.

Юрий БЕЛАНОВ, Олмалик шаҳар ҳўқими.

МУЎЛ ШАКЛИДА ТАП КЎП ЭКАН

Янгийўл ёр-мой комбинатда муўл шаклининг ўзгарганига беш йил бўлди. Ушунда жоманинг истаги билан у ҳиссадорлик жамиятига айланган эди. Муўлчиликнинг бу шаклига ўтирилган кейин кўчмаликларга ҳам дуч келинди. Қисқа муддат ичида ишлаб чиқариш бир маромага тушиб олди. Кейинги йилларда эса белгиланган меҳнат марраларига бемалол эриш-

Маълумки, хар бир ҳиссадорлик жамиятининг энг асосий вазифаси ишлаб чиқаришдан фойда олишни қўлайлаштиришдир. Ушунга қўйиб қолган жомоа фавқат шундай ишлашгагина бозор иқтисодийётининг ўзига хос мураккаб шароитларида ҳам бемалол жавлон уриши мумкин. Бунинг учун ишчи-хизматчиларнинг фикр доирасини замон талаблари асосида қайта шакллантириш ҳам мумкин. Шунинг ҳам билан олган корхона маъмурияти ва жомоа ташкилотлари ишчи-хизматчилар ўртасида ҳиссадорлик жамияти асосида ишлаш ўларга қандай наф берилиши, аини вақтда қандай масъулиятлар юқлишини тушуниришга қаратилган ишларни кенг қўллаш олоб борилар.

Ушунга қўйиб қолган жомоа ишлаб чиқаришни ривожлантиришда катта сийқашларга эришадиганлигининг асосий омилларидан бири ҳам шундайдир. Кейинги йилда меҳнат натижалари бунга ёрқин далил бўла олади. 1997 йилда янги маҳсулот ишлаб чиқариш топишиги 118,5 фоиз қўйиб берилган бўлса, утган йили бу кўрсаткич 117,7 фоизни ташкил этди. Бир йилда тайёрланган маҳсулот ҳамини салкам 328 миллион сўмликка етди. Энг муҳим маҳсулот турлари бўлган топишириklar тула ва зейдаси билан удалланди. Жорий йил меҳнат натижалари ҳам салмоқли бўлмоқда.

да қўлдирилган 70 фоиз техника қийметини қайта ишлаш юзасидан 725та шартнома тузилган эди. Шу туғайли уларга таъмин булган деярли 73 миң тонна чигит қайта ишланди. Бу умуман шундай хом ашёнинг 66,7 фоизини ташкил этди.

Чигитни қайта ишлаш натижасида тайёрланган маҳсулот ҳажмининг кўп қисми уни берган ҳўжаликлар иштирига юборилди. Чўночни, ўларга 3980 тонна пахта ёғи, 27 миң тоннадан ортўк кўнжар, 20,5 миң тонна шўла етказиб берилди. Аини вақтда корхонани бошқа қўшима хом ашёлар билан таъминлаш йўллари ҳам изланди. Шу мақсадда биринчи вақтда қийлоқ ҳўжалик корхоналарида экилаётган маҳсар уруғидан ёғ олишга қаратилган маҳсар технологияси ишлаб чиқилди. Бундай ўсимлик уруғини етиштириш ва қайта ишлаш бўйича илмий-амалий қўланма тайёрланди ва ҳўжаликларга тарқатилди. Шундан сўнг маҳсар етиштириш истагини билдирган ҳўжаликлар билан олдндан шартномалар тузилди.

Маҳсулот сифати, бозор ва харидор талабларига жавоб бериши учун хом ашё ҳам дуруст бўлиши керак. Акс ҳолда миқ уруғининг билан ундан харидор-ғир маҳсулот тайёрлаш амри маҳол. Шунинг учун кейинги йилларда бу масалага жиҳид қилдирилмоқда. Хом ашё устидан сифат назорати ўрнатилди. Жамият ўтган йили келтирилган чигитнинг 18 миң 617 тоннаси сифат қўрсаткичлари талабига жавоб бермаганилиги учун паст на-

Видеоматериалдан қўрилган ҳўжаликлар билан шўгулланди. Аларнинг сифати, бозор ва харидор талабларига жавоб бериши учун хом ашё ҳам дуруст бўлиши керак. Акс ҳолда миқ уруғининг билан ундан харидор-ғир маҳсулот тайёрлаш амри маҳол. Шунинг учун кейинги йилларда бу масалага жиҳид қилдирилмоқда. Хом ашё устидан сифат назорати ўрнатилди. Жамият ўтган йили келтирилган чигитнинг 18 миң 617 тоннаси сифат қўрсаткичлари талабига жавоб бермаганилиги учун паст на-

Мирсобир МИРҲАМИДОВ.



Хўзир қийлоқ ҳўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналарида шў аини қийзган пайт. Жўмалада, Янгийўл туманидаги У. Юсупов номли консерва заводи жомоаси ҳам шу қўнларда дала ва боллардан келтирилябтаган ноз-неъматларни пешма-пеш консервация билан банд.



СУРАТЛАРДА: оператор Нигора Ҳалимова (ўнгда), микробиолог Нина Логина ва лаборатория мудири Любовь Королева иш устида. Davron AKHMAOV олган суратлар.

«МАФТУНКОР РАНГЛАР ОЛАМИ»

Халқимиз истеводларга бой. Давлатимиз ўларни аниқлаш ва қўллаб-қувватлаш борасида катта гамқўрлик қийлоқда. Шу маънода Республика Иجتимий таъминот вазирлиги ва «Енгра» (Севинг) халқаро инсонларнинг жамгармаси ташаббуси билан ўтказабтаган «Мафтункор ранглар олами» халқаро бадий танлови ҳам муҳим ахамиятга эга.

Мазкур тадбирда Қўрақлиғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлардан, шўнингдек, қўшни мамлакатлардан иктидорли ногирон болалар иштирок этмоқда. Танлов давомида улар турли жанр ва мавзуда бир нечтадан расм чиқаздилар. Уларнинг ижодини танили раъссомлар баҳолаб боради. Фолиблар қийметбаҳо совга олади. Ҳўмийлар муруввати билан муҳтож болалар ногиронлар аравачалари ва бошқа турли мукофотлар билан тақдирланади. Умуман, бирорта ҳам иштирокчи ўзига ҳош бу байрамдан совғасиз қайтмайди.

— Ҳўш, аънанга айланган маъкур тадбирга бу йил қандай тайёрларлик қўрилмоқда? — Аввал йилига бағишланган ва 4-6 август қўнларига мўлжалланган «Мафтункор ранглар олами» халқаро бадий танлови бу йил ҳам «Енгра» жамгармасининг маданий-маърифий соғломлаштириш маркази жойлашган Тошкент вилояти Юко-

ричирлик туманидаги Ийк-ота ҳўжалигида ўтказилади, — деди Иктимоий таъминот вазирлиги иктимоий ёрдамини ташкиллаштириш бош бўшқармаси бошлғи И. Аноқов. — Хўзир барча вилоятларда танловнинг биринчи босқичи туғайди. Уларда биринчи-учинчи ўринларни эгаллаган ҳаваскор раъссомлар яқунловчи босқичда иштирок этгани пойтахтга келади. Тадбирга, шўнингдек, ўтган йилги голиблар ва Урта Осиё давлатларидан ҳам меҳмонлар тақлиф этилади.

Одатдагидек, бу йил ҳам Америка ва Жанубий Кореядан мутахассис врачлар таширф бўуради. Улар Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги етакчи мутахассислари, олимлар билан бирга танловнинг барча иштирокчиларини тиббий қўриқдан ўтказайди, зарур маслаҳатлар беради. Миллий реабилитация маркази ҳодимлари ҳам уларга кўмаклашади. Тадбир доирасида ногиронлик масалаларига бағишланган халқаро илмий-амалий семинар ҳам ўтказилади, унда ўзбекистонлик мутахассислар билан бирга хоржий шифокўрлар ҳам иштирок этади.

Тадбирнинг маданий дастури ҳам қийзиқарли ўтиши кўзада тутилимоқда. Танлов иштирокчилари ва уларнинг қўзатувчилари Темирўйлар тарихий давлат музейи экспонатлари билан танишадилар, танлиқ мўйқам усталари билан мўлкўхтада бўлибдилар. Уларга маъкур раъссомларнинг асарлари тўлиқ этилади. Маданият ишлари вазирлиги эса етакчи санъаткорлар ижросида концерт дастури намойиш этишни режалаштирмоқда. Б. МАНСУРОВ, Уза мўхбири.

ЖАЛҚАРО ҲАЁТ мамлакатлар одамлар воқеалар ҚИСҚА САТРАЛАДА

● Покистоннинг Панжоб вилоятида йўловчи автобус ҳалоқатга учради. Бунинг натижасида 27 киши ҳалок бўлди. ● Маълумотларга қараганда, Муррид шаҳридан Лаҳор вилояти марказига йўл олган автобус чуқур қаналга қўлаб тушган. Унинг ичида 30 нафар йўловчи бўлган. Улардан уч нафарининг ҳамтипаи сақлаб қолишга муваффақ бўлинди. Ҳалоқат сабаблари аниқланмоқда. ● Кўчли сув тошқини юз бериши туғайли Таиланд ҳукумати мамлакатнинг шарқий қисмидад аҳолини кўчириш тадбирини бошлади. ● РАТА-ТАСС ахборот маҳкамаси тарқатган хабарга қараганда, тошқин натижасида 32 миң киши бошпанасиз қолган. 3 киши ҳалок бўлган. Аиниқса, мамлакатнинг Чангхубури вилояти табиии офатдан катта зарар қўрган. Бу ердаги иқтисодий аҳамиятга эга иншоотлар ва бошқа объектар яроқсиз ҳолга келган.

● Япония ҳарбий-денгиз қўлачилиги қарашли уч кема Жанубий Кореянинг Пусан бандагоҳига етиб қолди. 5 август кўни бу ерда икки мамлакат ҳарбий денгизчиларининг ҳамкорлигида машқлари бошланди. Денгизда кўтарув-қидирув операциялари баҳариладиган бу машғўллардан Жанубий Кореянинг Шарқий Хитой денгизгадига Чему-до ороли яқинида бўлиб ўтади. ● Чили коммунистик партияси етакчиси Гладис Марин мамлакат Президентини лавозимини номзодлар рўйхатида биринчи погонадан жой олди. У мамлакат тарихида Президент лавозимига даъвоарлик қийлаётган биринчи аёл, шўнингдек, сул қўнларнинг биринчи вакилидир. ● Мариннинг умр йўлдоши Аугусто Пиночет тузуми даврида беиз йўқолганлардан биридир. ● Чилида Президент сайлови 12 декабрда бўлиб ўтади. Хўзир яна олтинга даъвогар унда иштирок этиш ниятида эканини маълум қийди.

Словакиянинг шарқий туманида бирда усмир йиғит уч қийлини отиб ташлади. Маълум бўлишича, мархўмлардан бири жиноятини содир этган аввалги икки қотилликнинг гувоҳи бўлган ўн етти йшли қиз экан. Қотиллик қўлга олиш ҳаратида полиция

КОЗОГИСТОН: ЧИГИРТКАЛАР КЕЛТИРАЁТГАН ЗАРАР КўПАЙМОҚДА

Янгина жаҳондаги қўлгина ахборот маҳкамалари Козогистоннинг шимоллий қисми ва Россия Федерациясининг Козогистонга туғаш жанубий худудларига чигиртка офати ёйилгани хақида хабар тарқатган эди. Табийи офатта қарши кураш эса иқтисодий ҳаражатларни талаб қийлиши турган гап. Оқибатда икки қўшни мамлакат чигирткаларга қарши курашини етарли даражада олиб борилябтагани учун бир-бирини айбўлаётган ҳоллар ҳам учраб турибди. Аслида ёш фасли бошланиши билан дўненинг қўллаб минтакаларида чигиртка «хўжми»дан қийлоқ ҳўжалиқига катта зарар қўриши хақидаги хабарларни кўп эшлгганимиз. Бу табиий офатни даф этиш учун барча давлатлар жиддий тайёргарлик қўради. Давлат хазинасидан кераклиқ маблағ ажратилади. Зараркўнлардан йўқ қийлиш мақсотида дори-дармон, зарур техникалар сафарбар этилади. Агар шундай қийлингас, халқ ҳўжандига катта эъти этилиши турган гап. Бирок чигиртка офатига қарши курашиш учун мамлакатнинг моддий инконияти етмай қолса-чи?

Аини қўнларда қўшни Козогистон аша шундай муаммо билан юзма-юз келиб турибди. Мамлакатнинг катта худуди чигирткалар галаси билан қолган. Офатга қарши кураш учун эса маблағ танлиги паян бераёттир. РАТА-ТАСС ахборот маҳкамаси тарқатган хабарга қараганда, шу қўнларда Козогистоннинг Атирау вилояти экин майдонлирига чигирткалар галаси ёпирилган ва ярим миллион гектар экин майдонини яроқсиз ҳолга келтирган. Экинларни тап-тақир қилиб кетаётган Осиё чигирткаси ва Италия прусси да аталадиган бу зараркўнандарлар келтираётган эиен факат юқорида таъкидлаб ўтильган ярим миллион гектар экин майдони билан чекланган йўқ. Осмондан булутдай ёпирилиб келаятган офат янгида янги экин майдонларини ўз гирдобига олмақда. РАТА-ТАСС ахборот агентлиги мухбирининг ёзишича, шўвиз ҳам иқтисодий танглиқни бошидан кеиравётган Козогистоннинг давлат хазинасида чигирткаларга қарши кураш ва қўрилябтаган зарарни қоплаш учун маблағ етишмайяпти. Маҳаллий ҳўкинмий оғир вазиятнинг қай тарзда бартараф этиш йўлини қидираётган бир пайтда чигирткалар галаси Атирау вилоятининг марказига яқинлашиб қолди. Шаҳар атрофидаги дала ҳўжилири ва томўрқлар чигирткалар галаси хўжунга аллақандай рўбаро бўлган. Козогистон қийлоқ ҳўжалиқига вазирлиги маълумотларига қараганда, бу йилда қўнларда чигирткалар 8,5 миллион гектар суғорилдиган майдонга зарар етказган. Очюфат чигирткалар галаси мамлакатнинг бошқа бир қанча вилоят марказларида ва ҳўсустан, пойтахт Остонога ҳам етиб келган. Табийи офат чегара бимьявлет Сўнги хабарларга қараганда, чигирткалар галаси Козогистонга қўшни Россия Федерациясини худудларига яқинлашиб қолган.

Савидмурод РАХИМОВ, Уза шарҳловчиси.

ДУНЁНИНГ турли ҒУШАЛАРИДА

● Таиланд чегарачиларининг контрабанда билан шуғулланадиган миньялик жинионий гунаҳ аъзолари билан бўлиб ўткан қўроллик тўқнашув нисоясида тўрт миллион доллар амефетамин таблеткаси ва ўн олти қилорграм гнўхуанд модда қўлга қиртилди. Таиланд ҳўкумати вакили берган маълумотларга қараганда, наркотик моддаларининг «қора бозор»даги нархи тўққиз миллион АКШ долларини ташкил этган экан. ● Янгина Филиппинда «Лепанто Консолидэйтед мейннинг» компаниясига қарашли ичрағачи самолёт ҳалоқатга учраган эди. Қўни кема ушбу самолёт экипажи аъзолари ва йўловчиларининг жасадлари топилди. РАТА-ТАСС ахборот маҳкамасининг хабарига қараганда, самолёт булардан Лусон Оролининг Намогаюн туманидаги тоғли ўрмон худуди-ни беш фоизга яқини ўсимлар томонидан содир этиляпти. Бундай таъвишли ахвоннинг олдин олиш мақсотида Словакияда воғач етмаганларга нисбатан жинионий жавобгарлик чоралари янгда қўчийтирилади.

Ўн беш фоизга яқини ўсимлар томонидан содир этиляпти. Бундай таъвишли ахвоннинг олдин олиш мақсотида Словакияда воғач етмаганларга нисбатан жинионий жавобгарлик чоралари янгда қўчийтирилади.

Словакиянинг шарқий туманида бирда усмир йиғит уч қийлини отиб ташлади. Маълум бўлишича, мархўмлардан бири жиноятини содир этган аввалги икки қотилликнинг гувоҳи бўлган ўн етти йшли қиз экан. Қотиллик қўлга олиш ҳаратида полиция

Словакиянинг шарқий туманида бирда усмир йиғит уч қийлини отиб ташлади. Маълум бўлишича, мархўмлардан бири жиноятини содир этган аввалги икки қотилликнинг гувоҳи бўлган ўн етти йшли қиз экан. Қотиллик қўлга олиш ҳаратида полиция

Словакиянинг шарқий туманида бирда усмир йиғит уч қийлини отиб ташлади. Маълум бўлишича, мархўмлардан бири жиноятини содир этган аввалги икки қотилликнинг гувоҳи бўлган ўн етти йшли қиз экан. Қотиллик қўлга олиш ҳаратида полиция

«ДОСТОН» ижодий уюшмаси уч йилдан бери Ўзбекистон Давлат кинокомпанияси қошида фаолият қўрсатиб келаяпти. Уюшма раҳбари, режиссёр Даврон Салимов кўпжа хўжватли фильملар орқали томошабинларга яхши таниш. Уюшманиннг кейинги пайтда яратган хўжватли фильмлари жамият ва инсон, бутун қўннинг дардли муаммолари, маънавий кадрларнинг, инсоний муносабатларни таҳлил этади.

XX асрнинг энг оғир фожаларидан бири-Орол муаммоси ҳали ҳам жаҳон хамжамиятининг диққат марказида. Урта Осиё минтакасида жойлашган барча мамлакатлар ҳамда жаҳоннинг энг нуфузли ташкилотлари шу муаммо билан шуғулландилар. «Достон» уюшмасида сценарий муаллифи ва режиссёр Ҳўжмурод Валиев яратган «Асорат» фильмининг айнан шу муаммони кўндайланг қўйди.

Бундан ярим аср илгари Оролга Урта Осиёнинг икки буюк дарёлари Аму ва Сир унга қуйиларди. Балликларга бой бу денгиз қирғоқларида қўллаб аҳоли яшаган ва баллиқчилик билан шуғулланган. Назаримизда бу осуда хаёт абдий давом этади-дегандек, унинг оқимига ҳеч ким ва ҳеч нима тўсқинлик қиймайди-дегандек. Афсўслар бўлсинки, инсон табиат инъомларидан фойдаланаверди-ю, аммо ўринга ҳеч нарса қайтармади. Янги ерларни ўзлаштириш, пахта ва шоти етиштириш қўлайтириш мақсатида қўрилган Қорақўм канали туғайли Амурдан Унинг «Ўзбек Мадоннаси» етиб бормай, Қорақўм

сахроси қўмларига сингиб кета бошлади. Доңишмандлар айтдиларки: «Табиатнинг ўз сабр қосаси бор. У инсонлар шафқатсизлиги туғайли тулиб тошадиган бўлса, унинг интиқом олиши муҳарраб». Денгиз тўби ўрнида пайдо бўлган янги сахро-оппоқ тузга бурканган «оқ қўм» сахроси тобора кенгай боради. Она заминга хаф солянтган бу экологик офатни қандай даф қийлиш мумкин?

Фильм муаллифлари бу савога жавоб излябдилар. Тасвирчи А. Тулгановнинг камераси қўриб бартарап денгиз узра парвоз этаётган қўнларнинг акс эттиради. Бу эзгулик ва умид қўнлари. «Асорат» видеофильми шундай раэмий нуктада туғайди.

«Достон»чилар ижодига мансуб яна бир видео хўжватли фильм «Усто ҳузурда ярим соат» деб номланади. Шундай инсонлар борки, уларнинг қийлар ишлари, яратган асарлари узок йиллар давомида одамларни ҳайратга солиб келади. Ўзбекистоннинг фото-солно-мачисига айланган Макс Пенсон ҳам аша шундай инсонлардан. Унинг «Ўзбек Мадоннаси» фотосурати Парижда ўтказил-

ҲАЁТ КўЗГУЧИЛАРИ

ган бутун жаҳон қўрғазмасида олтин медалга сазовор бўлган. Бу фильм қўли гул истреъодли фото санъати устасига бўлган чуқур ҳурмат рамзи-дир.

Макс Захарович Пенсон «Правда Востока» газетасининг солиб қотомхўбири, уни қўнлар таңирди ва ҳурмат билан «Усто» деб аташарди, фақат ўлимидан кейингигина уни дунё таний бошлади.

У қисмати қанчалар оғир бўлмасин ҳар булут ортда куёш барқорорлигига ишонарди, шу боис у қалбига гўбор қўндрмади. Унинг турли йилларда суратга олган Тамара-ноним, М. Ашрапова, Р. Хамроев, Й. Охунбобоев портретларини фильмида қўрамиз. Номаълум қаҳрамонлар, эркаклар, аёллар, болалар портретлари кўз олдимиздан ўтади.

«Усто ҳузурда ярим соат» фильмининг сценарий муаллифи ва режиссёри Ф. Ҳўжаев, тасвирчи эса А. Тулганов. Режиссёр Даврон Салимовнинг фильмида фалсафий

мушоҳада, инсон портретларининг ёрқин чизмалари, ўзига хос бадий ифодани хис этиш мумкин. Ижодкорнинг «Бувижон» деб номланган хўжватли видеофильмида ҳам усулбий ва таҳлилий янглиқлар юзага чиқайди.

Халқимиз, «Қари бор уининг зарри бор», дейди. Бувижонларимиз қўйлаган алла ва эртқарлар улғайганимизда ҳам барчамизнинг едимизда туради. Уларнинг хаёт йўли бизга ўрнақдир.

Фильмидаги воқелиklar қаҳрамоннинг ҳўқоси воситасида баён этилади. Қария ўлган хаётини гапиреди. Унинг умр йўли халқимиз хаёти, тарихи, ўтмиши билан чамбарчас боғлиқ. Фильм давомида увалли-жували, риқ-насибали бувижоннинг ёшлиқ мўклирида қайтамиз, хаёт сўқмоқларидан бирга юрмиз...

Кино-хаётимиз кўзгуси. Ундаги ҳар бир лавҳа-борлиғи-ида фильм қўйилганимиз, орумулларимиз инъикосидир.

Феруза НОДИРОВА.

ЕТАҚЧИ ўРИНДА

ИШБИЛАРМОНЛАР ва молия дўнёсида энг нуфузли «Банкир» журнаlining июль сони нашр этилди, унда жаҳондаги биринчи мингта банкнинг рўйхати ҳамда уларнинг ишончилиқ рейтингги эълон қийлинган.

Юз миңглаб банкларнинг маъжудлиғини ҳисобга олганда, биринчи мингта банк қатаридан ўрин олиш — бу факат оғру бўлиб қолмасдан, балки жаҳон молия хамжамияти томонидан тан олинмишининг яққол далилидир. Журналининг маълумотларига қараганда, Ўзбекистоннинг таъқи иқтисодий фаолият мийлий банки (ТИФ МБ) Япирк банклар рейтинггида 503-ўриндан 463-ўринга кўтари-

либ, ўзининг ишончили ва қўдратли банк эканини яна тасдиқлади. Аамалга оширилябтаган оқилона сиёсат биринчи 50та етакчи банк қаторида бўлган Мийлий банкка етти йил давомида ишонч рейтингги бўйича етакчи ўринни сақлаб қолишга имкон бермоқда.

Ўзбекистон таъқи иқтисодий фаолият Мийлий банки МДХ мамлакатларидаги энг йирик банклардан бири ва Урта Осиё ҳамда Қозогистонда энг улкан банк сифатида ўз савлохиятини ошириб бормоқда. (ЎзА).

